



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 195 (11.756)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



2010 йил — Баркамол авлод
йили

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ СОВРИНДОРЛАРИ

Муסיқа ҳар бир инсоннинг қалбини ром этувчи мўъжизакор сехрга эга. Куй-кўшиқ бор экан, ҳаётга иштиёқ кучайиб, олам янада мунаввар кўринади. Ҳа, куй ёки кўшиқ тинглаб, ором олмаган киши бўлмаса керак.

Иқтидорли ёшлар маскани бўлган Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган махсус академик лицейида кўп йиллардан буён юзлаб мусиқа шунослар, санъатга ошно қалблар камолга етмоқда. Лицейда санъат арбоблари Т.Маҳмудов, Б.Расулов, халқ артистлари Ҳ.Шамсутдинов, К.Исмоилова, халқ ҳофиз Б.Бекмуродов, хизмат кўрсатган артист Ш.Тожибоева, консерватория профессора ва доцентлари С.Сафарова, М.Гумаров, А.Лутфуллаевлар санъат сирларини бўлажак мусиқачиларга ўргатиб келмоқда. Айтиш жоизки, устозларнинг аксарияти бир пайтлар шу даргоҳда таҳсил олган, илк муваффақиятларга ҳам шу ерда эришган.

Бугунги кунда республика ихтисослаштирилган махсус академик лицей мактабини олган мазкур санъат мактаби янги ўқув йилига капитал таъмирдан чиқарилди, шунингдек чолга асбоблари, адабиёт ва қўлланмалари ҳам тўлиқ янгиланди.

— Дарҳақиқат, асосий ўқитувчи ва журналистларимиз ўз вақтида шу мактабни тугатишган, Ўзбеки-

стон Давлат консерваториясини битиргач эса кадрдон бўлиб қолган даргоҳга қайтиб, ёшларга мусиқадан сабоқ беришлар ҳар йили кўплаб республика ва халқаро танловларда иштирок этиб келмоқда. Яқинда Грециянинг Санторини оролида бўлиб ўтган «Муза» кўрик-танловида ёшларимиз муваффақиятли қатнашди. Оқила Мирходжаева ва Даврон Хошимов иккинчи ўринга, Дониёр Қодиржонов ва Юлдуз Муллажоннова учинчи ўринга сазовор бўлишди, Феруза Максудова диплом билан тақдирланди. Шулар каби истеъдодли ўқувчиларимиз келгусида мусиқа соҳасида етук мутахассис бўлиб етишиши, Ўзбек санъатини жаҳон сахнасига олиб чиқишига катта умид боғлаймиз.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Муза» халқаро танлови совриндорлари.

Козим Ўлмасов олган сурат

Илгари хабар берилганидек, Тошкентда «Барқарор ривожланиш, атроф-муҳит ва Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАБУСЛАРИ

Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан Тошкент Халқаро Вестминстер университети билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташки сийёсат масалалари кўмитаси раиси Содиқ Сафоев, Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Аслон Мавлонов мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятни яхшилаш, хусусан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳудудни ижти-

мой-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётган.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни қонунчилик базаси яратилган, мамлакатимиз бу соҳадаги барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йили бўлиб ўтган сайловда Экоҳаракатдан 15 депутат сайлангани бу йўналишдаги ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш ва амалий ишлар самардорлигини оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

Анжуманда сув ресурслари бошқаруви тақомиллаштириш ва улардан унумли фойдаланиш, нафақат қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, айни пайтда инсон саломатлигини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш имконини бериши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Tashkent Challenger-2010

МАМЛАКАТИНГИЗ КАТТА СПОРТ САЛОҲИЯТИГА ЭГА



Бугун пойтахтимизда АТР таснифидаги «Tashkent Challenger-2010» турнирига старт берилди. Учинчи маротаба шахримизда ўтказилаётган ушбу мусобақага 23 та давлатдан профессионал спортчилар ташриф буюрди.

Фьючерс ва челленжер мусобақалари Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) мақоми остида ташкил этилади, мукофот жамғармаси унча кўп бўлма-сада, лекин спортчиларга юқори поғоналарни эгаллашда ўзига хос босқич вазифасини ўтайди. Мутахассисларнинг фикри билан айтганда, бугунги кунда машурлик даврини сўраётган теннисчилар бир пайтлар фьючерс ва челленжер турнирларида иштирок этган.

Ўзбекистон халқаро мусобақаларни ўтказишда катта таърибга эга. Эркаклар ўртасидаги фьючерс ва челленжер турнирлари анъанавий тарзда мамлакатимизда теннис мавсумини бошлаб беради. Профессионал теннисчилар уюшмаси тақвимида Андижон, Наманган (фьючерс), Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Тошкент — республикамизнинг етти минтақаси киритилган. Демак, умидли спортчиларимизга бу ўз

юртида катта маҳорат мактаби ҳамдир.

Бошқа минтақалардаги мусобақалардан фарқи ўлароқ, пойтахтимизда учинчи марта ўтказилаётган «Tashkent Challenger»нинг мукофот жамғармаси энг юқори — 125 минг долларни ташкил этади. Шу боис йил сайин унга биринчи юзликдаги ўйинчиларнинг қизиқиши ортиб бормоқда. «Tashkent Challenger-2010» турнирида 84-погонани эгаллаб турган Германиялик Райнер Шхутлер ва 97-погонанадаги хиндистонлик Сомдев Девварман сараланган ўйинчилар сифатида қатнашмоқда. Қолаверса, 23 та мамлакатнинг иштирок этаётгани, илк марта Ямайка давлати вакилининг бу турнирда беллашиши эътиборга лойикдир.

Турнир супервайзери Ди Дио Кармело матбуот анжуманида айтиб ўтганидек, «Tashkent Challenger-2010»нинг асосий жадвалига 270-погонани эгаллаган ўйинчи яқун ясамоқда, ўтган йили бу кўрсаткич

392-ўриндаги ўйинчи билан таърифланган. Саралаш мусобақаларида 12 та мамлакат спортчисининг қатнашгани ҳам турнирнинг нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

— Ўзбекистонга илк марта келишим, шу боис бошқа давлатларда ўтказилаётган мусобақалар билан таққослаш имкониятим кенг, — дейди Ди Дио Кармело. — Амин бўлдимки, мамлакатингиз катта спорт салоҳиятига эга. Мени Республика олимпия захирачиси теннис мактаби кортлари ҳайратлантирди. Челленжер мусобақалари учун бу юқори даражадаги шароит десам, адашмайман. Шу билан бирга профессионал спортчилар беллашадиган майдонда истеъдод гунчаларининг ҳам кучи синиши мамлакатингизда ёш авлодга бўлган юксак гамҳўрликнинг ёрқин намунасидир.

Асосий жадвалда ўзбекистонлик Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов, Важа Узоқов ва Сергей Шипилов «ишонч йўлланмаси» билан қатнашмоқда. Миллий жамоамиз етакчиси Денис Истомина эса бугунги кунда 44-погонани забт этишга улгурди. Демак, унинг парвози баланд ва айни пайтда мақомига яраша турнирларда қатнашишга ҳозирлик кўрмоқда.

Ильмира Зайнутдинова

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарбий спорт синфлари ва ҳарбий ватанпарвар клублари тарбияланувчиларининг тантанавор қасамёд қилиш маросими ўтказилди.

• Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЮНВТО) Буюк Ипак йўлида сайёҳликни ривожлантиришга бағишланган навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Тадбир БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан ташкил этилди.

• Бирлашган Араб Амирликларининг «Бедейл Женерал Трейдинг» компанияси ҳамда «Сингапур-Самарқанд» хорижий корхонаси томонидан «Марғилон экскреп» масъулияти чекланган жамиятига асос солинди. Умумий қиймати 3,2 миллион АҚШ долларилек ушбу лойиҳа ипакни қайта ишлашга мўлжалланган. Айни пайтда жамиятнинг юз кишилик жамоаси хорижий ҳамкорларга 120 тонна ипак хом ашёсини тахт қилиб қўйди.

• Тошкент вилоятида Баркамол авлод йилида ёшларнинг ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш борасида кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, яқинда Қибрай туманида вилоят ёшлар ижодиёт маркази, Бекобод туманида эса «Ёшлик» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

• Кеча Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида таэквондо «пумсе» бўйича ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида V жаҳон чемпионатининг кизгин беллашувлари ниҳоясига етди.

• Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонасида «Энг меҳрли кутубхоначи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Иштирокчилар «Маҳорат сирлари», «Қасбим — фахрим» каби йўналишлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

• Хивалик тадбиркор Азамат Иноятов «Хиваметаллсервис» хусусий корхонасини ишга туширди. Ҳозирда корхонанинг ўн кишилик жамоаси хориж технологияси ёрдамида 20 дан ортиқ турдаги маҳсулот, шу жумладан металл черепица, темир дарвоза, эшик ва панжаралар тайёрламоқда.

• Сардоба, Боёвут, Сирдарё туманларидаги Наврўз, Дехқонобод, Пахтазор маҳаллаларида қурилган 60 та намунавий ўлага қувурлар тортилиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Венгрияда рўй берган йирик экологик ҳалокат оқибатларини бартараф этиш учун халқаро экспертларнинг бир гуруҳи ушбу мамлакатга келади.

• Россиянинг «Единая Россия» партияси минтақавий парламентга сайловлар давомида ўзининг етакчилигини сақлаб қолди.

• Газ ўтказгичда профилактика ишларининг олиб борилиши муносабати билан Грузия Россия газининг транзит йўли билан Арманистонга етказиб берилишини вақтинчалик тўхтатди.

• Белград шаҳри марказида рўй берган тартибсизликлар натижасида 110 дан ортиқ полициячилар турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Индонезиянинг Тернат оролидан 200 километр шимоли-шарқда рўй берган ер силкинишининг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллни ташкил этди. Қурбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

• Кеча Перуда рўй берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 16 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Сомалилик қароқчилар Ҳинд океанидаги Маврикий ороли қирғоқларида Тайвань мамлакатига қарашли балиқчилар кемасини гаровга олишди. Қароқчилар қўлига тушган кемада Хитой, Индонезия, Вьетнам ва Тайвань мамлакатларининг 14 нафар фуқаролари борлиги айтилмоқда.

• Буюк Британиянинг «Peel Engineering» компанияси уч гилдиракли «Peel P50» ва «Peel Trident» автомобилларини ишлаб чиқара бошлади. Дунёда энг кичик саналган бу машиналар бир кишига мўлжалланган. Унга моторолларнинг электромотори ўрнатилган. «Кичкинтойлар»нинг баҳоси 12,5 минг фунт стерлингга (тахминан 19 минг АҚШ доллари) тенг.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Ирригация ва мелиорация институти қошида ташкил этилган ўзбек-голланд ўқув маркази ташаббуси билан «XXI аср дарёси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари томонидан ёшлар ҳаётига оид спектакль саҳналаштирилди.

✓ **АНЪАНАВИЙ** энг яхши дарслик ҳамда энг яхши ўқув адабиёти муаллифи республика танловининг якуни эълон қилинди. Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари, «Истеъдод» жамғармаси томонидан ўтказиб келинётган ушбу танловда бу йили 49 та дарслик совринли ўринларга, 24 та жамоа муаллифи раббатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди.

Инсон, унинг туб манфаатлари ва эҳтиёжи ҳақида ғамхўрлик қилган жамиятгина гуллаб-яшнайдди, келажакка дадил боқади, кундан-кун обрўси ошиб, халқаро майдонда ҳам тезда кўринади. Ўзбекистонда демократик ва фуқаролик давлатини барпо этишда ана шу эзгу ниятлар кўзланган бўлиб, республика раҳбарияти Конституцияда илгари сурилган муқаддас қоидаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Демократик принципларни жамият ҳаётига синдириб бораётган, инсон қадр-қиммати ва шаъни улуғланаётган мамлакатимизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эътироф этилибгина қолмасдан, балки ана шу ҳуқуқларни кишилар онгига синдириш, уларни жамият қонун ва қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялашга ҳам эътибор ортди.

Ўзбекистон XXI асрда ўз эрки, хурлигини кўлга киритиб, ислохотлар, туб ўзгаришлар жамиятини янгилаётган ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзи танлаб олган йўлдан собитқадамлик билан бормоқда. Халқимиз учун мустақилликнинг ўтган йиллари сермазmun воқеаларга бой бўлиб, авваламбор бу давр мобайнида миллий давлатчилигимизнинг пойдеворини шакллантириш билан узвий боғлиқ бир қатор сай-ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, ўзида юксак инсонпарварлик гоёларини муҳасамлаштирган Ўзбекистон Конституцияси ҳаётиимиз дастуруламалига айланди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи юздан ортиқ янги қонунлар қабул қилиниб, кўплаб ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар яратилди, йилдан-йилга давлатимизнинг ҳуқуқни кўллаш амалиёти тақомиллаштириб борилмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилди, БМТ ва ЕХТД доирасида қабул қилинган, муҳим халқаро шартномаларни амалга ошириш зарурияти юзасидан келиб чиқадиган ишларни рўёбга чиқармоқда.

Ҳозирги замон ҳаётининг глобаллашуви жараёнида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга қўлай шароит яратилмоқда. Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кенгайishi уларнинг бири бири билан ҳуқуқий тизимлари ва халқаро ҳуқуқ билан ўзаро таъсирининг чуқурлашишига олиб келади. Кўп сонли халқаро нормалар давлатларнинг ички қонунчилигининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Зеро, бу ҳуқуқлар мажмуи давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий тизими, унинг демократия даражаси характери билан белгилайди. Демократия давлат шакли ва халқ ҳокимиятичилигининг яққол кўринишидир, давлат эса халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ва унга риоя этилиши устидан назорат механизмининг ташкил этилиши стандартларини ишлаб чиқишда халқаро ҳамжамият катта таърибага эга. Дунёдаги илгор маданиятнинг давлатларда бу соҳада тўпланган таъриба республикаимизда муваффақиятли қўлланилмоқда. Уларнинг таъминлишига кафолат бўлиб, давлат, унинг номидан эса ҳокимият, бошқарув органлари ва мансабдор шахслар ҳисобланади.

Яхши кўшичилик муносабатлари доим Ўзбекистон аъналаридан ҳисобланиб, у шундай бир қадрияти, минтақамизда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг давлатимиз ўзининг ташқи си-

ёсатида ўз дипломатик доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Бу фақат шунчаки бир мақсад бўлиб қолмай, асосан мамлакат ички ривожланиш эҳтиёжларига, халқимизнинг жўшқин бунёдкорлик фаолиятига, давлат иқтисодиётининг барқарорлигига тезкор муносабат билдириш воситаси эканлигини англатади.

Республикаимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий негизи шаклланди. Халқимиз манфаатлари, истиқболли тараққиётимизга аҳамиятли ҳол эл сармояларини жалб қилиш, фуқароларнинг тадбиркорликлари учун муҳим иқтисодий механизмлар яратилди.

Хуқуқий демократик давлат сари

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Давлат иқтисодий фаолиятининг кўпқиррали шакллари ривожлантиришдан иборат конституциявий кафолатлар тадбиркорликнинг самараси ва меҳнатнинг эркин бўлиши таъминлаш мумкин бўлган бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этиши, мулкчилик шакллари хилма-хил эканлиги ва улар тенг ҳуқуқли ҳимояга эга бўлиши, ҳалол рақобат ва ижтимоий фойдали бўлиши зарурдир.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар одамларнинг яшаш шароитлари ва турмуш тарзини қайта қуришга йўналтирилган бўлиб, улар ўтиш даврининг қийинчиликлари ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламларини кўлаб-қувватлаш асосида рўёбга оширилмоқда. Жумладан, жамиятнинг кескин табақаланишига барҳам бериш ва одамлар ўртасида ижтимоий тенглик қарор топишига қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу эса Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Бу соҳадаги асосий вазифаларга инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш тарзини оқилона йўлга қўйиш, оилага, она ва болага, ногиронлар ва қарияларга кўмак бериш, пенсия ва нафақалар белгилаш кирди.

Ўзбекистон Конституциясида ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши қайд этилган бўлиб, бу жараён фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқлари орқали рўёбга чиқарилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида кўплаб турли бирлашмалар: сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, уюшмалари сонининг мунтазам ўсаётганлиги юртимизда фуқаролик жамияти шаклланиб бораётганлигининг эркин далилидир. Уларнинг мақо-

ми ва фаолияти мустаҳкам ҳуқуқий заминга таянган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунлари билан тартибга солинади.

Ҳозирда Адлия вазирлигининг расмий рўйхатидан ўтган 400 дан ортиқ республика ва халқаро миқёсдаги жамоат бирлашмалари, вилоятларнинг адлия бошқармаларида 5000 дан ортиқ рўйхатга олинган кўплаб маҳаллий мақомдаги

жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамоатлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, «Амир Темур», «Имом ал Бухорий», «Олтин мерос» халқаро жамғармалари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун фуқароларга виждон эркинлигини кафолатлайди. Буларнинг амалий нишонаси бўлиб ҳуқуқимиз томонидан юрдошларимиздан 50 мингга яқин киши мустақиллик йилларида мусулмонлар учун муқаддас қадамларга зиёрат қилишга мушарраф бўлганларини кўрсатишимиз мумкин. Ҳозирда Ўзбекистонда 187 та диний ташкилот, жумладан, православие, католик, лютеран, баптист, адвентист ва бошқа черковларнинг ҳамда буюро ва оврупо яҳудийлари, бахаи ва буддист, кришнаитларининг диний жамоалари фаолият юритмоқда. Уларнинг кўплаб вакиллари ҳар йили мазкур динларнинг муқаддас жойларига ташриф буюрмоқда.

Бош Қомусимизга мувофиқ, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ўзининг чуқур ифодасини топиб, тарихий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига хос жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида шу соҳада муҳим ташкилий-ҳуқуқий институтлар вужудга келтирилди.

Эндиликда республикаимизда инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалари билан шуғулланувчи бир неча ташкилот ва муассаса фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилдан Ўзбекистон парламенти-

нинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятини бошлади. 1996 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги (Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги) Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шу йили Ўзбекистон Президентининг фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, 1997 йилда «Ижтимоий фикр» маркази ташкил қилинди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича янги тузилмаларни тузишнинг зарурлиги бир қатор омиллар – фуқаролик жамиятини қуриш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жаҳон таърибасида тўпланган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалий чораларни жорий қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ташкилотларда иштирок этиши билан боғлиқ талаблардан иборат эди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ислохотлар барча давлат институтларини қамраб олмади лозим. Фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг ошганлиги уларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини турли ҳуқуқий шакллардан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилишида ҳам кўринади.

Асосий Қомусимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидлаб, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг қуйидаги бешта принципини кўрсатиб берди: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмин таъминлаш; инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тақомиллаштириш; қонунларга оғишмай амал қилиш механизмин ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш; суд ислохотларини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш ва аҳоли, айниқса ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Мазкур беш принцип мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими шаклланган. Эндиликда амалдаги қонунларнинг ижросини реал таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан мана шу муҳим ва долзарб муаммонинг ечими инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг самарали фаолиятига ва ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ҳаёт мезони ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ бўлади.

Буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизда кўзда тутилган принципларнинг ҳаётдаги инъикоси бўлиб, жамиятимиз манфаатларини ўзида тўла акс эттириши амалда рўй-рост исботланмоқда.

Омонулла МУХАММАДЖОНОВ,
ТДЮИ «Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ» кафедраси мудири,
юридик фанлари доктори

САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг саноатни ривожлантиришда ҳамда маҳсулот рақобатбардошлигини оширишдаги моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Бугунги кунда интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазаси халқаро шартнома ва битимлар, бешта қонун ва 140 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳага қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир. Мамлакатимизда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган интеллектуал мулк муҳофаза тизими шаклланган бўлиб, ўз навбатида, товар белгилари, товар келиб чиққан жой номлари бозорини ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Семинарда соҳада олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда Қоракалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида фаолият кўрсатаётган корхоналарда маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

— Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳуқуқий муҳофазаси долзарб масаласи, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига Тошкент давлат юридик институти профессори О.Оқиллов. — Мазкур қонуннинг аҳамияти шундаки, у истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга руҳсатномасиз товар ишлаб чиқариш ҳолатларининг ҳам олдини олади. Қонун мазмун-моҳиятини кенг тушунириб бориш мақсада мувофиқдир. Семинар сўнгида соҳадаги тегишли муносабатларни тартибга солиш, ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ўртасида товар белгиларини ҳуқуқий муҳофазалаш муҳимлигини тарғиб қилиш, мутахассисларнинг малякасини ошириш учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш лозимлиги қайд этилди.

Азима ҚИЁСОВА

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Сувдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида кўплаб мамлакатларда сув танқислиги, бошқа кўплаб экологик муаммолар юзга келмоқда, — деди ЎЗА мухбирига Лондон Халқаро Вестминстер университети ректори Жеффри Петс. — Бу муаммони бир мамлакат эмас, бутун дунё давлатлари ҳамкорликда ҳал этиши мумкин. Ўзбекистонда бу йўналишда олиб борилаётган изчил ишлар таҳсинга лойиқдир. Бунда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, сувдан унумли ва самарали фойдаланиш, тежамкор сугориш тармоқлари барпо этиш, шунингдек, озик-овқат маҳсулотларини барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш, лалми ерлардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича халқаро миқёсда чоралар кўрилиши муҳим аҳамиятга эга.

— Президент Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқини катта қизиқиш билан ўқидим, — деди Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги бўйича Европа маркази раҳбари Майкл Деллеж. — Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Соғлом она — соғлом авлод» гоёси менда катта таассурот қолдирди. Зеро, она соғлом бўлсагина, у ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом фарзандни дунёга келтириши мумкин.

— Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлардан ўрнат олса арзийди, — деди Буюк Британиянинг Кембриж университети ҳузуридаги Марказий Осиё форуми раҳбари Сидхарт Саксена. — Ўзбекистонда экоти зимни яхшилаш борасидаги аънавий таъриба юксак эътирофга сазовордир.

Ирода УМАРОВА

Анжуманлар

ГАСТРОЭНТЕРОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ИХТисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Ўзбекистон терапевтлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шифокорлар, олимлар, фармацевтика саноати ишлаб чиқарувчилари ва россиялик мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом этиб камолга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда

Пойтахтимизда гастроэнтерологик хасталикларни аниқлаш ва даволашдаги янгича ёндошувларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Айни пайтда юртимизнинг барча худудларидаги тиббиёт бирлашмаларида гастроэнтерология бўлимлари фаолият юритмоқда. Жойлардаги уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ва кўплаб оилавий поликлиникалар барча касалликни ўз вақтида аниқлаш ва даво-

лашда яхши натижа берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланган. Уларда аҳоли, айниқса, аёллар ва болаларнинг тўлиқ тиббий кўриқдан ўтиши учун етарли шароит яратилган.

Анжуманда, деб хабар беради ЎЗА, гастроэнтерологик касалликларнинг инсон саломатлигига таъсири, аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш, касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг замонавий усулларига бағишланган маърузалар тингланди.

Гўзал САТТОВА

Тошкентда Ўзбекистон оториноларингологларининг III қурултой бўлиб ўтди.

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГЛАР КЕНГАШИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Россия, Польша, Қозоғистон ва Озарбойжон каби давлатлардан 200 дан ортиқ делегат иштирок этишди.

Анжуманда лор хасталигини келтириб чиқарадиган омиллар, даволаш ва олдиндан ташхис қўйиш, реабилитация қилиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, ушбу касалликнинг Ўзбекистонда объектив аудиоометрик текшириш усуллари қўлланилиши, Ўрта Осиё давлатлари ичида биринчи марта кохлеар имплантациянинг йўлга қўйилиши, қар ва соқов беморларни тиббий

реабилитация қилишнинг чоралари ҳақида алоҳида тўхталинди.

— Бу каби тадбирлар соҳа мутахассисларига кўп нарсалар беради, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти лор кафедраси доценти Толиха Маматова. — Алоҳида шўба ййгилишларида томоқ, бурун ва кулоқ хасталиклари ҳақида маърузалар ўқилгани ҳам малака оширишда катта аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида доридармон маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Наргиза АСАДОВА

Маҳалла — ота-онанг



Орамиздаги одамлар

МАҚСАДИМИЗ — ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИШ

Шайхонтохур туманидаги «Янгиобод» маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Манзура Валиеванинг ҳаёт йўлига назар ташлаганимизда, беихтиёр шу фикрлар хаёлимиздан ўтди.

Дарҳақиқат, кўп йиллардан бери маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси сифатида оилалар тинч-тотувлиги, ёшлар тарбиясига куйинчаклик билан ёндошиб келаётган Манзура опа ҳақида илиқ фикрлар билдирсак арзийди.

Меҳнат фаолиятини инсон саломатлигини мустаҳкамлашдек шифокор касби билан бошлаган М. Валиева меҳнатсеварлиги, доимо ёрдамга тайёр туриши билан катта кичикнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Бу дунёда инсондан қобил фарзанд ва хайрли ишлар қолади.

2004 йилдан бери «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаб келмоқда.

Саккиз мингдан ортиқ аҳоли бир оиладек жамулжам бўлиб, барча ишлар ўзаро яқин ҳамкорликда олиб борилаётган бу маҳаллада замонавий гузар, болалар спорт майдончаси, бугунги кун талабига жавоб берадиган таълим-тарбия ва шифо масканлари мавжуд. Маҳалланинг маслаҳатчиси 1-перинатал маркази ва 14-оилавий поликлиника шифокорлари билан кўплаб семинарларни ташкил этишда, шунинг-

дек турли мавзуларда танловлар уюштиришда ташаббус кўрсатиб келмоқда.

— Мақсадимиз маҳалламизни энг обод гўшалар қаторида кўришдир, — дейди Манзура Валиева. — Тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, ёш оилаларнинг ҳаётда мустаҳкам қадам қўйишига кўмаклашиш ҳам асосий вазифаларимизга киради. Фуқаролар йиғинига мурожаат этган оилалар тинч-тотув яшаб кетишига ёрдам берганимиз ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз самарасидир, албатта.

Айтиб ўтиш лозимки, «Янгиобод» маҳалласида хотин-қизларнинг иш би-



лан таъминланишига ҳам катта эътибор қаратилади. Туман бандликка кўмаклашиш маркази билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилади. Яқинда 50 нафар аёл ишга жойлаштирилди, деярли 60 нафари касбга қайта ўқитилди. Уй меҳнати ва касаначилик йўналиши бўйича икки нафар аёл иш билан таъминланди. 15 нафар аёлга тadbиркорлик фаолиятини бошлашда яқиндан ёрдам берилди. Маҳаллада истиқомат қилувчи яқин ёлғизлар, қариялар, ётиб қолган кишилар ҳолидан мунтазам хабар

олинади, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга кўмак бериб келинади.

Фарзандлар тарбиясида мактаб, маҳалла ва оилалар ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Ёшларнинг билим олиб, ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун турли тўғараклар очилган.

Манзура Валиеванинг ибратли фаолияти кўп марта рағбатлантирилган. «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» ва «Оналар куйлаганда» танловларида совриндор бўлган.

Маҳаллаларда ёшлар таълим-тарбияси, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида эътиборга молик ишлар қилинмоқдаки, бу ўзини ўзи бошқариш тизимининг жамиятда муносиб ўрин топишига асос бўлаётир.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИГА ЭЪТИБОР



Обод масканлар сирасига кирувчи «Чақар» маҳалласида ҳам ибратли ишлар кўлами кенг. Етти мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган бу маҳаллада ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўзида 950 туп мевали ва манзарали дарахтлар, икки мингдан ортиқ гул кўчатлари экилган. Ҳар шанба ва якшанба кунлари ҳашарлар уюштирилиб, ҳудуд тартибга келтирилади.

Яқинда Самарқанд дарвоза кўчасининг ўйдим-чуқур бўлган деярли икки минг метр қисми асфальт қилинди. 2010-2011 йил қиш мавсумига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан биргаликда тайёргарлик кўрилиб, кўп қаватли уйлarning 2,1 минг метр томи капитал таъмирланди, ертўладаги 1,9 минг метр қувур янгисига алмаштирилди, уйлarning 37 та йўлга тартибга келтирилди.

— Маҳалламизда 607-, 112- мактабга таълим муассасалари ҳамда Республика расомчилик коллежи жойлашган. Фарзандлар тарбия-

си йўлида улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Файзиев. — 47-оилавий поликлиника, «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан бир-

галикда кўплаб тadbирлар уюштирамиз. Бундан ташқари, муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатилади. Байрамларда катта дастурхон ёзилиб, уруш ва меҳнат фахрийлари йўқланади, соғғалар улашилади. Ёзги таътил кунларида шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Гулбахор» болалар оромгоҳига бепул йўлланмалар тарқатилади.

Албатта, маҳаллада турли маросимларни ихчамлаштириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор алоҳида. Бу ишларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Сайёра Муҳамедова, масъул котиб Зулфия Қўчқорова, кўплаб фаоллар оқсоқолга яқин кўмакчи. Баркамол авлод йилида ўғил-қизларнинг касб-ҳунар эгаллаши йўлидаги ҳаракатлар кўлами янада кенгайди.

Козим Ўлмасов олган сурат



Маҳалла мана шундай хунари гўзаллар гўшасидир

БЕТАКРОР АНЪАНАЛАР МАСКАНИ

Шаҳримиздаги «Тахтапўл» маҳалла фуқаролар йиғинида мунтазам равишда турли мавзудаги тadbирлар ташкил этиб келинади.

«Балли, қизлар», «Ёшлар мустақил ҳаёт оstonасида», «Хуқуқингизни биласизми?», «Оила — жамият таянчи», «Сиз қонунни биласизми?» танловлари анъанага айланган. Бундан ташқари, маҳалла қошида тузилган «Қизлар тўғараги»да ҳафтанинг жума кунлари кизикарли учрашувлар уюштириб келинади. Бу тadbирларда баҳс-мунозаралар, фикр-мулоҳазалар, савол-жавоблар кизгин кечади.

«Энг озода маҳалла» кўрик-танлови биринчи бора ташкил этилиши. Тadbир шартига кўра, ҳар бир хонадон ҳовлиси, кўчалар супуриб-сидирилган, бутун атроф обод бўлмоғи керак.

Яхши маълумки, маҳаллаларда қизлар ва келинлар эрта туриб, кун ёйилмасидан саранжом-сарилталikka киришади. «Эрта турсанг, ишинг унади, кўнглинг равшан бўлади», деган ибратли нақл бежиз айтилмаган. Танловнинг тарбияга йўналтирилган удумларимиздан келиб чиқиб ўтказилаётгани эътиборга моликдир.

Чарос ТОШЕВА,
Тошкент Ирригация ва мелиорация институти талабаси

КЕКСАЛАР ЙЎҚЛАНДИ

Юнусобод туманидаги «Отчопар-2» маҳалласида саховатга йўғрилган давра суҳбати ўтказилди.

Тadbирда давлатимиз томонидан муҳтожларга, камхарж оилаларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида сўз борди. Бу борада маҳаллага катта ишонч билдирилаётгани хусусида ҳам тўхталинди.

Ёзувчию шоирлар, бадий ҳаваскорлик жамоалари чиқишлари тadbирнинг файзли ва кўтаринкиликда ўтишига хизмат қилди. Оилаларга совға-саломлар улашилди.

Саҳифа Шоира МУҲАМЕДОВА томонидан тайёрланди

Таълим

ИБРАТЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Кадрлар тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш борасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Компанияга қарашли таълим муассасалари ишини яхшилаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ўқув жараёнларини доимий равишда назоратга олиб бориш мақсадида махсус бўлим очилди.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида, Тошкент, Нукус, Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнлари давр талаби доирасида йўлга қўйилди.

Бугунги кунда компания ўқув муассасаларида яратилаётган қулайликлардан ёшлар мамнун. Миробод академик лицейида эса темир йўл мутахассислиги бўйича ўнга яқин тўғарак ишлаб турибди.

КОНФЕРЕНЦИЯ ГОЛИБИ

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Сирожиiddинов номидаги академик лицейида 450 дан ортиқ ўқувчи учта йўналиш бўйича таълим олмақда. Таълим ва тарбия жараёни назарда ва амалиёт уйғунлигида ташкил этилган.

Лицейнинг интернет-клуби машғулотларида кўплаб ўқувчи фаол қатнашади. Бу ерда улар тарих, инглиз тили ва физика фанларидан электрон ўқув дарсликлари ёрдамида пухта билим олиш имкониятига эга.

Фан тўғараклари замирида ҳам иزلанишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари тадқиқотларига бағишлаб ўтказилган конференцияда лицейнинг иқтидорли ўқувчилари кимё ва биология фанларидан голибликни қўлга киритишди.

Тиббиёт

ТАЛАБАЛАР УЧУН АМАЛИЙ КЎНИКМА

Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи клиникаси энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида янги аппаратлар олинди.

Тиббий техникалар лабораториясига ўрнатилган «КВТ» қурилмасидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу аппарат шифобахш модуль сифатида ҳам аҳамиятлидир. Функционал диагностика, физиотерапевтик муолажалар ҳам кенг йўлга қўйилган.

Шуниси муҳимки, бундай имкониятлардан талабалар ҳам амалиёт машғулотларида фойдаланади.

КАСБ МАҲОРАТИ

Мамлакатимизда «Олий ҳамширалик иши» бўйича кўплаб юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Шу жараёнда касб маҳоратини ўстириш билан бирга уларда замонавий шифокорларга хос бўлган инсоний хусусиятларни шакллантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда махсус тайёрланган ўқув дастури ҳам амалиётга татбиқ қилинди. «Олий ҳамширалик иши» йўналиши билан боғлиқ амалиётларни ташкил этишда ушбу жараёндан фойдаланила бошланди.

ЯНГИ ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

Халқаро ҳамширалар кенгаши томонидан амалга оширилаётган тadbирлар ёш шифокорларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларнинг касбий уюшмаси фаолиятини кенг йўлга қўйишда ҳам бундай жараён ўз ижобий натижасини бераётир.

«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» кўшма лойиҳаси доирасида «Ҳамшираларнинг асосий кўникмаси» номли янги ўқув курси ҳам йўлга қўйилди.

Акбар АЛИЕВ

ЭЗГУ ИШЛАР БАРДАВОМ БЎЛСИН

Азалдан халқимиз кўмакка муҳтожларга ҳиммат қўлини чўзиб келган. Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳам шу хайрли мақсад йўлида жисмоний имконияти чекланганлар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келаётган ташкилотлардан бири.

Жамиятнинг Собир Раҳимов тумани бўлими томонидан «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда кексалар, жисмоний имкониятлари чекланганлар ва боқувчисини йўқотган оилалар ва

килларига шодлик ва кувонч улашишга ҳаракат қилинди.

— Тадбир кўтаринкиликда ўтиши учун туман маданият уйи ҳаваскорлари таклиф этилиб, дилрабо куй-кўшиқ, рақслар ижро этилди, — дейди «Меҳри-

бонлик» жамияти бўлими раиси Дилфуза Ражапова. — Ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан барчага совғалар ҳам топширилди. Мақсад тақдир тақозоси билан қийналган инсонларга ҳаётда ёлғиз эмасликларини ҳис этишлари учун озгина бўлсада, кувонч улашиш, давлатимиз томонидан уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинаётгани, зарур шароитлар яратилаётганини амалда намоён этишдир.

Кўнгул гулдан нозик, уни бир калима ширин сўз билан кўкларга кўтариш мумкин. Ножўя айрилган сўз эса «чўктириб» қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Инсондан фақат эзгу ишлар қолади. Кўмакка муҳтожларга ёрдам беришдан чарчамайлик.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Бу — қизиқ

ТИББИЙ КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

Кўкракка тўғридан тўғри қулоғини қўйиб эшитишни — пульсацияни биринчи марта қўллаган тиббиёт илмининг Абу Али ибн Синодан сўнг иккинчи отаси Хиппократ ва Рене Лаэнник бўлиб, юрак ва ўпка касалликларини аниқлашда ушбу усулни улар 2500 йил аввал кашф этишган. Кейин эса шу асосда фонендоскоп такомиллаштирилган.

Тиббиёт тарихида биринчи бўлиб бемор аъзоларини махсус ўсулда тўқийлатиб кўриш усулини XV асрда кўхна Самарқандда биринчи жорий этган ўз даврининг машҳур жарроҳи Тожиддин Ҳаким бўлиб, XIX асрда уни англиялик шифокор Жозеф Листер (1827-1912) такомиллаштирган.

Европада биринчи бўлиб бемор аъзоларини махсус усулда тўқийлатиб кўриш усули веналик тиббиёт олими Леопольд Луэнбруггер (1722-1809) кашф этган.

Марказий Осиё шароитида, шу жумладан Ўзбекистонда 1932-1934 ҳамда 1941-1945 йилларда бир қатор юқумли касалликлар манбаларини илмий асосда ўрганиб, айнакча вабо, тиф, безгак, силни баргараф этган биринчи ўзбек олими, тиббиёт фанлари доктори, профессор Турсунхўжа Нажмиддинов ва унинг шогирди Қорақалпоғистон ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Шабод Хўжаев бўлган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади

Хитойда футбол бўйича ёшлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати гуруҳ баҳслари якунланди.

Футбол

ЁШЛАРИМИЗНИНГ УЧИНЧИ ҒАЛАБАСИ

«В» гуруҳида дастлабки икки турда аввал Шимолий корейликларни, сўнгра баҳраинлик тенгқурларини мағлубиятга учратиб, муддатидан олдин чорак финалга йўлланма олган Марат Кабаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳнинг сўнгги учрашувида Ироқ командаси билан куч синашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу ўйин натижаси ҳар икки терма жамоа учун муҳим аҳамият касб этмасди. Ҳамюртларимиз қитъа биринчилигида голиблик учун курашни давом эттирсан, ироқликлар икки мағлубият боис нуфузли турнирни муддатидан аввал тарк этиши аниқ эди. Шу туфайли ҳам Марат Кабаев майдонга аввалги учрашувларда бирор марта тўп сурмаган ўйинчиларни чиқарди. Беллашувда бироз устунлик ҳамюртларимиз тарафига кечган бўлсада, биринчи бўлимининг кўшимча вақтидагина дарвозага гол киритилди. Жамоадошлари бошлаб берган ҳужумни Ақром Баҳриддинов муваффақиятли якунлаб, рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди — 1:0.

Иккинчи бўлим ҳам Ўзбекистон устунлигида ўтди. Кейинги голни ҳакам томонидан қўшиб берилган кўшимча вақтда Сардор Мирзаев киритди. Учрашувни 2:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал эта олган ҳамюртларимиз ярим финал йўлланмасини қўлга киритиш учун чорак финалда Саудия Арабистони жамоаси қаршичилигини енгиб ўтиши лозим.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Тарихий манбаларда қайд этилишича, XVI асрда Тошкент вилоятининг кўракмаскани, «Чорбоғ» деган жойда турли беморлар ва ярадорлар даволанадиган хушманзара, об-ҳавоси мўътадил шифохоналар бўлган.

XIV асрда тиббиёт илм-фани тарихида биринчи бўлиб захм касалини аниқлаб, шифосини кашф этган аллома табиб Юсуфийдир.

Дунё бўйича табиблик тарихида тиббий жарроҳлик асбоб-ускуналарини кашф этиб, беморни операция қилишда оғриксизлантирувчи моддани XV асрда биринчи қўллаган аллома табиб-жарроҳ Шайх Ҳусайн бўлган.

XIV асрда машҳур бўлган жарроҳ Шайх Ҳусайн жангда 18 жойидан пичоқ еган навкарнинг жароҳатларини қўйнинг аччиқ ичкаларидан қилинган ип билан тиккан дунё жарроҳларининг пири ҳисобланади.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан, «Нексия» рўсумли, д/р 30A0850 бўлган, 2002 йилда и/ч, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.04.2010й, №5935/24. Бошланғич баҳоси — 6 640 913 сўм.

Аукцион савдосига 2010 йил 16 ноябр кўни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Шунингдек 2010 йил 2 ноябр кўни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд ижроичилари бўлими томонидан қўйидаги мол-мулклар тақдоран кўйилмоқда:

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан қўйидагилар: - Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси «Файзиобод» божхона масканида сақланаётган; 1. «BMW-525» рўсумли, д/р B045XDM бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.04.2010й, №1-152/10. Бошланғич баҳоси — 8 676 000 сўм. 2. «Мерседес Бенц-200» рўсумли, д/р B333CFN бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.04.2010й, №1-152/10. Бошланғич баҳоси — 10 274 000 сўм. 3. «Нексия» рўсумли, д/р 10S9486 бўлган, и/ч йил номаълум автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010й, №3665/24. Бошланғич баҳоси — 6 513 000 сўм.

— Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилий ашё сақлаш омборида сақланаётган; - ЖИБ Тошкент вилояти судининг 04.03.2010 йилдаги №2-037-10 ижро ҳужжатга асосан; 4. «Мерседес Бенц-200» рўсумли, д/р 11N3950 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 814 000 сўм. 5. «Мерседес Бенц-200» рўсумли, д/р 01N662DA бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 085 000 сўм. 6. «Тойота Ярис» рўсумли, д/р 01Q540AA бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 976 000 сўм. 7. «BA3-21063» рўсумли, д/р 01Q394AA бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 835 000 сўм. 8. «BA3-21063» рўсумли, д/р 11L7249 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 613 000 сўм. 9. «BA3-2103» рўсумли, д/р 10A057BA бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 610 000 сўм. 10. «BA3-21063» рўсумли, д/р 10T107AA бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 916 000 сўм. 11. «HAFFI» рўсумли, д/р 30Z0592 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 938 000 сўм. 12. «Дэу Райсер» рўсумли, д/р 30G0403 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 247 000 сўм. 13. «Нексия Донс-2» рўсумли, д/р 01R514BA бўлган,

2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 580 000 сўм. 14. «Нексия» рўсумли, д/р 10F3915 бўлган, и/ч йил номаълум автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010й, №3664/24. Бошланғич баҳоси — 7 323 000 сўм. 15. «BA3-21070» рўсумли, д/р 10A2269 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.01.2010й, №931/18. Бошланғич баҳоси — 5 242 000 сўм. 16. «GA3-31029» рўсумли, д/р 30C2291 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.04.2010й, №4562/24. Бошланғич баҳоси — 2 877 000 сўм. 17. «GA3-2417» рўсумли, д/р 30Q3293 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010й, №3660/24. Бошланғич баҳоси — 1 405 000 сўм. 18. «BA3-21063» рўсумли, д/р 30B4072 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.03.2010й, №3129/24. Бошланғич баҳоси — 3 279 000 сўм. 19. «BA3-2105» рўсумли, д/р 20D091AA бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010й, №3645/24. Бошланғич баҳоси — 2 374 000 сўм. 20. «Алкан-13» рўсумли, д/р 19A722 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси ижро ҳужжати 08.06.2009й, №6573/14. Бошланғич баҳоси — 3 062 000 сўм. 21. «BA3-21011» рўсумли, д/р 10S7565 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.06.2009й, №7396/14. Бошланғич баҳоси — 810 000 сўм. 22. «BMB-520 1» рўсумли, д/р 30C9322 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.10.2009й, №12299/11. Бошланғич баҳоси — 7 000 000 сўм. 23. «EPA3-762» рўсумли, д/р 10M746AA бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.11.2009й, №13433/11. Бошланғич баҳоси — 705 000 сўм. 24. «Москвич-412» рўсумли, д/р 30T9917 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 23.10.2008й, №10658/14. Бошланғич баҳоси — 1 051 000 сўм. 25. «BA3-21099» рўсумли, д/р 11L8805 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.01.2010й, №948/24. Бошланғич баҳоси — 2 811 000 сўм. 26. «BA3-21065» рўсумли, д/р 11V3967 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.03.2009й, №ЖСК-1-23/09. Бошланғич баҳоси — 5 265 000 сўм. 27. «BA3-2103» рўсумли, д/р 01C518DA бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.03.2010й, №1-183/10. Бошланғич баҳоси — 1 706 000 сўм. 28. «BA3-2106» рўсумли, д/р 30D9891 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.01.2010й, №1-35-2010. Бошланғич баҳоси — 2 677 000 сўм. 29. «Матиз» рўсумли, д/р 30W9658 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.04.2010й, №3665/24. Бошланғич баҳоси — 9 064 000 сўм.

- Тошкент ш. Божхона бошқармаси 11-масканида сақланаётган; 30. «BMB-525» рўсумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.07.2009й, №7791/14. Бошланғич баҳоси — 10 500 000 сўм. 31. «Джи Лэнд Ровер» рўсумли, д/р йўқ, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 24.08.2009й, №10131/11. Бошланғич баҳоси — 28 005 000 сўм. 32. «BA3-21063» рўсумли, д/р 1126972 бўлган, 1982 йилда и/ч, Тошкент шаҳар Транспорт ИИБда сақланаётган, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2010й, №1-76/2010. Бошланғич баҳоси — 2 227 000 сўм. 33. «MA3-35334» рўсумли, д/р 30B1963 бўлган, 1982 йилда и/ч, Тошкент вилояти Зангиота тумани, Тинчлик маҳалласи, Наврўз кўчасида сақланаётган, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.09.2009й, №10880/11. Бошланғич баҳоси — 55 742 000 сўм. 34. «MOA3-546-П» рўсумли, д/р 55-99EP бўлган, 1985 йилда и/ч, Тошкент шаҳар «Ўзтемирйўлмаштаъмир»-да сақланаётган, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.12.2006й, №13738/4. Бошланғич баҳоси — 16 800 000 сўм. 35. Тошкент шаҳар 1-сонли автоташмирилаш заводида жойлашган, Р.Х.Мирзахмедовага тегишли бўлган 12 номдаги терини қайта ишлашчи машина ва ускуналар, ижро ҳужжати 27.04.2009й, №4924/14. Бошланғич баҳоси — 2 735 000 сўм.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан, ФИБ Учтепа тумани судининг 05.11.2009 йилдаги №К-209 ижро ҳужжатига асосан, Нур Мебел" МЧЖ Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган, «BA3-2105» рўсумли, д/р 30Z8171 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 690 000 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижроичилари бўлимининг вакили иштирокида бевоқиф жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Корақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кўналари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2635 нусхада босилади.
Қорғос бичими А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ «ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР»ДАН

Сен ўз хулқунгни тузгил,
бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди
ҳаргиз бўлмади фарзанд.

...агар десанг биров бирла
Қилай пайванд боре, қилмагил
ноаҳл ила пайванд.

Бу фоний дайр аро гар
шоҳлиғ истар эсанг, бўлгил
Гадолиғ нониға хурсанду
бўлма шаҳға ҳоҳатманд.

Бўлуб нафсинга тобеъ, банд
этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман
қила олсанг ани қил банд.

Шақарлаблар табассум қилганин
кўргач кўнгул берма —
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур
охир бу шаққарханд.

Жаҳон лаззотини ширин
кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиғ бўлки,
қайду қанд эрур монанд.

Гул яфроғи тирноғлар эрур
бу чаман ичра,
Булбул пару болини
юлуб бергали барбод.

Эй кўнгул, куйдур тамаъ
тухмин, таманно мазраъин,
Бу экинни чунки ҳаргиз
қилмади доно писанд.

Кеч бу боғу гулларидин
ҳам Навоийким, эмас
Аҳли таҳқиқ олдида дунёву
мофиҳо писанд.

Куйдурур албатта ҳар доруки,
бўлғай судманд.

Ҳар не нофеъдур, маризи
нотавон кўрмас лазиз.

Зулмат аҳли гафлат
истарларки, олам комини
Уйкуча шабгир қилган
корвон кўрмас лазиз.

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Миробод туманидаги умумтаълим мактаблар ошхоналарида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2010-2011 ўқув йили учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Учтепа тумани ФХДБ бўлими мудираси Нозими Сафаровна Абдусаломовага онаси Дилбар Қулдашевна НАЗАРОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.